



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 44-45 (864)
2023 йил
9 ноябрь,
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ:

ХАВФСИЗЛИК, ИСПОҲОТ ВА МАСЪУПИЯТ



Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати иштирокчиларини турли баҳтсиз ҳодисалардан асрар, уларнинг ўз манзилларига эсон-омон этиб боришиларини кафолатлаш нафақат мамлакатимизда, балки глобал миқёсда ҳам долзарб муаммолардан саналади. Шу боис, ушбу масалага жиддий ёндашилган холда, мамлакатимизда бугунги кунда тизимли ишлар олиб бориляпти.

Энг аввало, жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида қатор йирик лойихалар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, автобус хизматларини мукаммалаштириш борасида 2022 — 2023 йилларда пойтахтимиз учун 200 дона ўрта сифимили, 190 дона катта сифимили автобуслар, илк бор 20 дона замонавий электробуслар харид қилинди. Бунинг натижасида 2022 йилга нисбатан ҳозирги кунда жамоат транспорти ҳаракат таркибининг сонини 31 фоизга ва автобусларнинг кунлик қатновлар сонини 69 фоизга оширишга эришилди.

Шу ўринда таъкидлаш керак, ҳозирги вақтда йўллардаги тирбандликлар борган сари кундадлик ҳолга айланиб бормоқда. Бунинг оқибатида эса фуқаролар икки-уч йил аввалинга қараганда икки баробар кўп вақтини йўлда ўтказмоқда. Баъзida шундай бўладики, тирбандликларда транспорт оқимининг ўртacha тезлиги соатига 7 км. га тушади.


Бу борадаги мавжуд муаммони бартараф этиш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳрида автобуслар учун 186,6 км. алоҳида йўлаклар ажратилди. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 48,2 км.ни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, автобусларнинг мунтазам ва бир маромда ҳаракати ташкил этилишини таъминламоқда.

Тошкент метрополитенини ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинганини қайд этиш жоиз. Хусусан, 2016 йилда давлатимиз раҳбари томонидан метро қурилишини давом эттиришга қаратилган қатор қарорлар имзоланди. Ушбу ҳужжатларнинг ижроси доирасида эса Юнусобод метро линиясининг 2,9 км. узунликдаги “Туркистон” ва “Юнусобод” станциялари қурилди. 2020 йил декабр ойида 7 км. узунликдаги янги Сергели метро линиясининг 5 та станцияси қурилди ва фойдаланишга топширилди.

(Давоми 4-саҳифада)



ЎГЛИНГИЗ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРМИ?



Ўзбек жамияти ҳақида гап кетганда, Фарб бизнинг оила анъаналаримизга, қадрият, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, ришталарни мустаҳкамловчи тушунчаларимизга ҳавас билан қарайди, деб мағурланишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, анъана, қадрият, кексалар-у маҳалла бўлса ҳам ажримлар борасида ортда қолаётганимиз йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, 2022 йилда оила қуриш ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан камайган бўлса, ажримлар сони эса кўпайган.

2022 йилда Ўзбекистонда қайд этилган никоҳлар сони 296,7 мингтани ташкил этиб, сўнгти 5 йилда сезиларли камайгани кузатилган. Мисол учун, 2018-йилда 311,4 мингта, 2019-йилда 310,9 мингта, 2020-йилда 296,8 мингта, 2021-йилда 305,2 мингта никоҳ қайд этилган эди.

(Давоми 3-саҳифада)

Таассурот

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДА ОАВ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Марказий Осиё ва Хитой

муносабатлари илдизи бир неча минг йиллик тарихга эга. Шунинг учун ҳам ҳозирда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўймоқда. Икки мамлакат ўртасида савдо-иктисодий, сармоявий, таълим, маданий-гуманитар ҳамкорлик, шунингдек, хавфсизлик, рақамли технологиялар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилиган.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам хизматлари алоҳида ўрин тутади.

Биз бу йил бир қатор интернет нашрларда хизмат қилаётган ҳамкасларимиз билан Хитой Xалқ Республикасида ижодий сафарда бўлдик. 23 июль куни Шинжон-Үйгур автоном районининг Карамай шаҳрида (Шимолий-гарбий Хитой) “Салом, Ипак йўли!” интернет тармоғида ахборот тарқатиш ва алмашиш бўйича биринчи халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда 200 дан ортиқ олим ва халқаро коммуникация соҳасидаги эксперtlар, Хитой ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда 20 дан ортиқ давлатнинг интернет юлдузлари иштирок этдилар. Улар Хитой ва “Бир макон, бир йўл” бўйидаги мамлакатлар ўртасидаги халқаро алоқалар соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини мухокама қилдилар.

Расмий тадбирлар якунлангандан сўнг барча меҳмонлар учун турли учрашув ва тадбирлар ташкиллаштирилди. Мазкур тадбирлардан олган хотираларни сизларга улашгимиз келди.

Ҳаракат қилманг - ушланг!

Мен учун энг эсда қоларлиси уйғур оиласида лағмон еганимиз бўлди. Деярли ўзбекона ясатилган дастурхон атрофида турли давлатлардан келган ОАВ вакиллари йигилдик. Кўз ўнгимизда ҳамирни ингичка қилиб чўзиб, пишириб, чиройли тақсимчаларда сузуб, устига важу қуйиб олиб келишибди...

Бир зумда хонани маромига етказиб пиширилган лағмоннинг ёқимли иси тутиб кетди. Барча йигилгандар лағмонни мақташиб, танавул қилишга киришди... Бунақа лағмонни емабсиз — дунёга келмабсиз!

Шу куни мен учун яна бир сабоқ бўлди. Хитойликларнинг овқатланиш учун ишлатадиган чўпларида лағмон ейишига ҳаракат қилдим. Лекин умримда биринчи бор бўлганлиги сабабли ҳеч нарсани ушлай олмадим.

Шунда бизни олиб юрган хитойлик таржимон йигит сўради:

«Нима қилаяпсиз?»

(Давоми 5-саҳифада)

Эзгу ишлар давоми:



ОГИР ҲУДУДЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Фаровон маҳалла деганда қўпчилигимиз аввало аҳоли яшаши учун қулай шароитлар бўлсагина кифоя деб тушунамиз. Аслида эса шароитлар билан бирга ҳудуддаги инсонларнинг иш билан таъминланганлик даражаси, саломатлиги ва давлат хизматлари билан боғлиқ турли масалалари ҳам айнан обод маҳалла мезонларининг бир қисми саналади.



Шу мъянода давлатимиз раҳбари топшириғига асосан республикамизнинг энг чекка ва олис ҳудудларида танлаб олинган 70 та “қизил” тоифадаги маҳаллада “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар давом этмоқда.

Хусусан, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари масъуллари бошчилигидаги Республика ишчи гурӯҳи аъзолари томонидан ҳар бир маҳалла кесимида “Йўл ҳариталари” ишлаб чиқилиб, ундан ҳудудлар инфратузилмаси, аҳоли яшаши шароитлари, мъянавий-мъарифий муҳитни яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар жой олган. Ўтган давр мобайнида режага мувофиқ бир қатор амалий ишлар бажарилди.

Жумладан, Республика ишчи гурӯҳи маълумотларига кўра, уй-жойи таъмирга муҳтож ва ўта оғир шароитда яшаётган 2700 дан зиёд фуқаронинг турар жойлари жорий ва капитал таъмирлаб берилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида айни пайтда 571 та кўчада бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Уларга асфальт, шағал, бетонлар ётқизилиб, пиёдалар йўлаги барпо этилди, ёритиш мосламалари ўрнатилди.

174 километр узунликдаги янги электр тармоғи тортилиб, трансформаторлар ўрнатилди. 4 652 та симёғоч устун бетонлисига алмаштирилди ва янги кўшимча темир-бетон устунлар ўрнатилди.

Қиши мавсумига қадар газ таъминотида муаммолар бўлмаслиги учун 112 та тақсимлаш пункти таъмирланиб, 4 километр узунликдаги янги тармоғи тортилди ва таъмирга муҳтожлари соз-

ланди. Аҳолига 11 мингдан зиёд суюлтирилган газ баллонлар етказиб берилди. Мурожаатларга асосан 2,2 мингдан зиёд хонадонга кўмиirlар етказиб берилди.

Аҳоли учун аввало ичимлик суви билан боғлиқ имкониятларнинг яратилиши муҳим бўлади. Шу мақсадда ҳудудларда янги тармоқлар тортилиб, 11 километри таъмирланди. Шу билан бирга янги ичимлик суви иншооти ўрнатилди.

Бундан ташқари, 20 та кўп қаватли уйнинг том қисми, 41 тасининг кириш ўйлаклари таъмирга муҳтож экани аниқланиб, таъмирлаш вазифалари бажарилди.

Юқорида айтганимиздек, инсон қадрини юксалтириш аҳолига ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш ва муаммолари ҳал этилишида кўмаклашиб билан амалга оширилади. Бугунги кунда бу ҳам Республика ишчи гурӯҳи эътиборидаги масаладир.

Олиб борилган ўрганишлар натижасида маҳаллаларда 4 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланди, 277 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйишига кўмаклашилди.

“Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги фуқароларга 2 миллиард сўмдан зиёд ёрдамлар кўрсатилди.

Биламизи, ногиронлиги бўлган фуқаролар кўп ҳолларда муҳим воситасиз ҳаракатлана олмай қийналишади. Уларга шароит яратиш учун ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия воситалари, 5 789 нафарига белуп дори-дармон воситалари, 145 нафарига тикув машинаси ва асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари олиб берилди.

Обод маҳалла шароити инсонларни соғлом яшашига ҳам имкон хисобланади. Бунёдкорлик жараёнида аҳоли соғлигини яхшилаш максадида ҳам ишлар олиб борилди. Хусусан, 105 мингга яқин шахс тиббий кўриқдан ўтказилиб, натижасига кўра уларнинг 785 нафарига даволаниш учун ордер берилди.

Республика ишчи гурӯҳи томонидан олиб борилаётган бу каби эзгу ишлар бардавом бўлмоқда.

**Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎЗА**



Миллат руҳи



Ўзбек тилида гапираверинг!

Инглиз тили ҳалқаро мулокот тили, уни билиш заруратга айланганига анча бўлди. Мана, рус тили ҳам ўз мақомини аниқлаштириб олмоқда. Энди ўзбек тили ҳам мамлакат ичидаглават тили ўлароқ, ўз мақомини белгилаб олса, яхши бўларди. Бунга ҳозирча қонуний асослар етарли, аммо амалда ишлар олдинга сезиларли силжимаяти.

— Извините, у нас нет на узбекском языке.

— Унда раҳбарингизни чақиринг! «Давлат тили ҳақида»ги қонундан хабари борми?!

Ресторанда:

— Таомномани ўзбек тилидагисини беринг!

— Извините, нас только на русском языке

— Фикримни тушуняпсиз, ўзбек тилида гапира олмайсизми?

— Нет.

— Биладиган кишини чақиринг!

Анжуマンда:

Инглиз ва рус тилларини яхши биламан, аммо сизларга малол келса ҳам ўзбек тили, она

тилимда нутқ сўзламоқчиман!

Мана шундай мулокот бўлиши керак! Ўйлаб қарасам, биз билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини билмаслигига ўзимиз айборд эканмиз.

Уларга ўзбек тилида гапиришга имкон бермаётган эканмиз. Улар билан давлат тилида гаплашмаганимиздан кейин улар қандай ўрганади. Ҳар нарса зарурат ва эҳтиёж билан юзага келади.

Шуни теран англаган ҳолда мен ҳам ҳар жойда ўзбек тилида гапириб бошқаларга давлат тилини ўрганишга имконият яратиб беряпман, зарурат пайдо қиляпман.

Сиз ҳам шундай қилинг!

Фикрингизни билмаган тилингизда тушунтираман, деб қийналиб, хижолат бўлмасдан, равон ва дадил она тилингизда, давлат тилида гапираверинг!

Фофур ҲАМОРО

Ўзбекистонда ўзбек тилининг нуғузини ошириш, аввало, ҳар бир ўзбекнинг кўлида. Бунинг учун жуда катта иш бажариш талаб қилинмайди. Бу жуда оддий.

Биринчдан, ўз тилингизни давлат тили сифатида бошқа тиллардан устун, деб билишингиз керак.

Иккинчдан, шаҳар кўчаларини айланганингизда бирор иш билан дўкон, дорихона, банк ёки турли савдо марказларига кирасангиз, айrim ходимлар (улар кўп аслида) давлат тилини билмагани (билишни истамагани) учун ўз она тилида сизга хизмат

ЎҒЛИНГИЗ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРМИ?

(Боши 1-саҳифада)

Ниҳодан ажралишлар сони эса 2023 йилнинг 9 ойида 30 мингтани ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли кўпайган. Мисол учун, 2018-йилда 32,3 мингта, 2019-йилда 31,4 мингта, 2020-йилда 28,2 мингта, 2021 йилда 39,3 мингта ниҳодан ажралиш қайд этилган эди. 2022-йилда ниҳодан ажрашганларнинг энг кўпи — 50,5 фоизи ёш оиласалар хиссасига тўғри келади.

Оилавий ажримлар ҳақида гап кетар экан, мұқаддас қўргоннинг дарз кетиши кўпроқ ёш оиласалар хиссасига тўғри келади. 2022-йилнинг январ-октябр ойларида 40 200 та оилавий ажримлар қайд этилган. Оила курганига 5 йил тўлмаган оиласалар ўртасидаги ажримлар эса 17 628 тани ташкил этади.

Эрта никоҳнинг асосий сабабчиси — ота-она

Дарҳақиқат, қизларни эрта турмушга бериш, бунинг натижасида оиласаларнинг бузилиши ёки носоғлом фарзандларнинг туғилиши жаҳон миқёсидаги муаммолид. Бу ҳақда керагидан ортиқ гапирилган, эрта турмуш сабаб умри ҳазон бўлган, ажрашган, боласидан айрилган, руҳий босимда яшайдиган қизлар тақдирли, уларнинг ҳаёти ҳақида жуда кўп таъсирилар воқеалар айтилган, ёзилган бўлса-да, уларни 16-17 ёшга етар-етмас “жойи чиққани учун” узатиб юбориш ҳолати ҳалигача кўп учрайди.

Эрта турмуш оқибатлари ҳақида ҳикоя килинганда, баҳтини топиб кетган, чиройли ҳаётда яшаётган ёшлар ҳам борлиги таъкидланади. Хўш, бугун уларнинг неча фоизи баҳтли, нечтаси ўз ҳоҳиши билан турмуш курган, нечтаси олий маълумотли ва яна қанчаси соғлом ва яхши она?

Рақамларга юзланадиган бўлсак, йилдан-йилга эрта туғруқ ҳолатлари кўпайиб бораётганига гувоҳ бўламиз. 18 ва ундан кичик ёшда она бўлган қизлар сони:

- 2018-йилда — 1500 дан зиёд;
- 2019-йилда — 1200 та;
- 2020-йилда — 1044 та;
- 2021-йилда — 1473;
- 2022-йилда — 10 мингтага етган.

2021-йил февраль ойида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ерта никоҳ ва эрта туғруқ сабабларини аниқлаш бўйича социологик тадқиқот ўтказди. Унда ерта турмуш курган ва эрта туғруқни бошидан кечирган 250 нафар ўсмири қиз ва ёш келинлар иштирок этган.

Натижаларга кўра, эрта турмушга чиқкан келинларнинг 70 фоизи ота-она ва оила аъзоларини кўрсатган. 26 фоиз иштирокчи эрта турмуш курганини севги-муҳаббат билан изоҳлаган. 3,4 фоизи бу ҳомила билан боғлик бўлганини, 1,5 фоизи эса ёш ерга тегишига диний қарашлари сабаб бўлганини билдирган.

Эрта турмуш қуриш оқибатида 38,2 фоиз ўсмири қизларнинг соғлиғи, 22,9 фоизида ота-онаси ва бошқа оила аъзолари билан муносабатлар ёмонлашган. 25,2 фоизи иқтисодий қийинчиликларга дуч келган.



Эрта турмуш қуриш ёшида ўсмирлар мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиётган бўлади, шундан келиб чиқиб, респондентларга “Оила курганингиздан кейин ўқишингизни давом эттирдингизми?” деган савол берилган. Саволга жавобан, бор-йўғи 37,6 фоиз ёш келин тўйдан кейин ўқишини давом эттирганини маълум қилган. Респондентларнинг 25,6 фоизи ўқишини давом эттиришга эри руҳсат бермаганини, 17,1 фоизи ўқишини давом эттиришни ўзи хоҳламаганини, 13,3 фоизи эса ўқишига қайнона ёки қайнотаси қарши бўлганини айтган.

Янги мухитдаги руҳий ва жисмоний зўриқиши, ҳали бола бўла туриб, онага айланиш, келажакда турли гинекологик касалликлар, оилавий ажрим, носоғлом фарзандлар — буларнинг барчаси ерта турмуш олиб келадиган оқибатлардир.

Оилада масъулият фақат аёлда эмас

Хўш, ажримларнинг 50 фоизига ёш оиласалар, хусусан эрта турмуш сабабчи бўлар экан, қолганичи дейишингиз мумкин. Ижтимоий тармоқда “Оилавий ажримларга асосий сабаб нима деб ўйлайсиз?” саволи билан ўтказилган кичик сўрвономада ҳам тармоқнинг аксарият фойдаланувчилиари урф-одатлар, қайнонанинг келинга солик солиши, куёвнинг эса келин томондан мулк таъма қилиши, келинларнинг ота уйига “гап ташиши”, телефон ва ижтимоий тармоқлар, ёшларнинг нағирилаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши, қизларнинг эса “хўп”дан йироклиги, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бесабрлик, айбини тан олмаслик кабиларни санаб ўтишди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ажрашиш арафасида турган, ажрим қайд этилган оиласаларнинг муаммолари бир-бирига ўхшамайди.

“Маошим камлиги ажрашишимга сабаб бўлди”

“Наманган давлат университетининг тарих факултетини тамомлаганман. Қишлоғимда яхши иш топа олмаганим учун, уйлангач, оиласаларнинг шаҳарга кўчиб келдик. Отам деҳқон, онам хеч қайерда ишламайди, мендан бошқа иккита укам ҳам бор, шу сабабдан улардан ёрдам сўрай олмасдим. Шаҳарга келгач, ишга кирдим, икки ярим миллион маош олардим. Бу пул эса ижара ҳаққи, йўл кирамдан ортиб, еб-ичишимизга аранг етарди. Хотиним ўзига тўқ оиласада ўсган. Йегиси, кийгиси келган нарсани олиб бера олмадим, бу кетишида қачон яхши кун кўрамиз деб кўп жанжаллашиб қолардик. Ижарама-ижара яшаш, моддий қийинчиликлар оиласаларни дарс кеттириди, уч йил яшадик, ҳозир эса ажрашганмиз”, - дейди исми сир тутилишини хоҳлаган қаҳрамонимиз.

“Қайнонам билан чиқиша олмадим”

“Қайнонам билан чиқиша олмаганим сабабли турмушим бузилган. Аслида эрим яхши инсон

эди, аммо ҳеч қачон ёнимни олмас, уйда жанжал бўлса, доим мени айбларди. Қайнонам бошқа қизни келин қилмоқчи бўлган, турмуш ўртоғим эса мени танлаган эди. Шу сабабда қайнонам мени ёқтирмас, килган ишларимдан фақат гап топар эди. Охири, ота уйимга кетдим. “Мен керак бўлмасам ҳам, эрим боласи учун бизни олиб кетиб, алоҳида уйда яшайди”, деб ўйлагандим. Афсуски, хато қилибман. Бирорта жиддий муаммо бўлмасам ҳам, биз ажрашдик. Эрим ўша онаси айтган қизга уйланди. Атиги 1,5 йил яшадик, бир ўғлим бор”, — дейди хоразмлик Шалола Каримова.

Касб тақозоси билан халқ орасида юарар эканмиз, эшитганларимиз ичидаги ҳолат энг оддийсиде туюлиб қолади. Яна ажримлар кўпайиб кетди, ёшлар енгилтак, ёшлар бузилиб кетди деган гапларни ҳам кўп эшитамиз. Аммо тарбия берувчи катталарнинг ўзи тарбияга муҳтожлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳар қадамда қайнона-келин, қайнингил-келин можаролари ҳақида эшитамиз. Озгина тушунмовчилик бўлса ҳам дарров онасига қўнғироқ қиласидиган, онаси эса югуриб келиб қизини ўйига олиб кетадиган оиласалар ҳақида ҳам тез-тез эшитиб турамиз. Хуллас, оиласаларнинг ажрашиб кетишига энг кўп сабаб сифатида учинчи шахснинг оила ишларига аралашуви кўрсатилмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак, биз негадир қизларимизни ёшлигиданоқ келинликка тайёрлаймиз. Тенги чиқса текин бер, деб тенги эмасгаям қизимизни қўшқуллаб топширамиз. Кейин эса характери тўғри келмади, куёв ичувчи экан, қайнона золим экан, қайнота палон экан дея ажратиб олиб, болаларни етим қиласиз. Ўрта жойда боласига алимент ҳам тўлолмайдиган эркакнинг фарзандларига қийин бўлгани колади.

Шу ўринда савол туғилади, нега биз ўғилларимизни ҳам қизларимизни ҳаётига тайёрлагандек тайёрламаймиз? Уларга келин ҳам бирорнинг гулдек фарзанди эканлигини, уни ҳимоя қилиш, боқиши, йедириш-ичириш, уй-жой билан таъминлаш эркакнинг вазифаси эканлигини ёшлигидан миясига қўймаймиз? Нега уни ҳақиқий эр как қилиб тарбия қиласиз? Агар биз миллат еркакларини шундай тарбия қилолганимизда эди, ожизага қўл кўтарганлар, бунинг ортидан келиб чиқаётган катта рақамлардаги ажримлар бўлмасди. Афсус, бор ташвишларимизни бир четга кўйиб, тарбияга асосий эътиборимизни қаратмас эканмиз, ажримлар сони йилдан-йилга ошиб бораверади.

Судга ажрим учун ариза топшираётган эр-хотин танлаган қарори ҳам ўзига, ҳам жамиятга, айниқса, унинг сафиға енди қўшилган кичик ёшдаги фарзандининг тақдирига салбий таъсир қилишини англайди. Аммо англаш бошқа, натижа еса амалда бошқача тус олмоқда. Оилавий ажримлар масаласи бугун ё кечанинг гапи эмас. Бу борада ёзилмаган гап, уни босиб чиқармаган газета, мавзу янграваган кўрсатув қолмади, хисоб. Мутасадилардан сўрасангиз, “лойиҳалар амалга ошириляпти, яраштириш комиссиялари ишляяпти”дан нарига ўтишмайди. Лекин мурғак қалбнинг тирик етим бўлиши замонавий жамиятда одатий ҳолга айланиси бормоқда.

Шаҳруза САТТОРОВА



Йўл ҳаракати:

ХАВФСИЗЛИК, ИСПОҲОТ ВА МАСЬУПИЯТ

(Боши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, ўтган даврда 15 та янги метро поездлари харид қилинди ва эски вагонлар қайта таъмирланди. Келгуси 2024 йилда эса қўшимча 40 та янги метро поездлари харид қилиниши режалаштирилган.

Мамлакатимизда ёши улуг инсонларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-кувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, нафақа ёшидаги кексаларга жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, метрополитендан фойдаланиш учун бепул хизмат кўрсатилмоқда.

Яна бир масала — йўл ҳаракати иштирокчилари, яъни пиёда ва ўловчиларнинг хавфсизлиги ҳам бугунги кунда жуда долзарб. Шу боис бу борада аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Пре-

зидентимизнинг 2022 йил 12 июлдаги 2022 — 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастури доирасида муайян ишлар баъжарилмоқда. Мисол учун, янги йўл белгилари ўрнатилиб, яроқсоз ҳолга келгандари эса таъмирланди. Мактаблар олдида тезликни чекловчи йўл белгилари ўрнатилди, янги светофор объектлари қурилиб, яроқсиз ҳолга келгандари реконструкция қилинди. Пиёдалар светофори объектлари қурилиб, эскилари реконструкция қилинди. Йўл ётиқ чизиклари чизилди, тротуар ва велосипед йўллаклари қурилди.

Шу билан бирга, 2023 йилдан бошлаб “Диққат пиёда” профилактик тадбири Тошкент шахри доирасида 12 туман кесимида ўтказилмоқда. Бу пиёдаларга йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш тўғрисида профилактик сухбатлар ўтказиш ва

уларнинг хавфсизлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Сир эмаски, йўллар инфратузилмасининг талабга жавоб бериши кўплаб баҳтсиз ҳодисларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳозирда йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Уни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши, шубҳасиз, модернизация ва янги технологияларни жорий этиш саналади. Яъни тезлик ва ҳаракатни назорат қилиш тизимларини жорий этиш, видеокузатувни ўрнатиш, электрон тўловларни йиғиш тизимини ривожлантириш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ва самарадорлигини оширадиган бошқа ечимларни топиш мавжуд муаммоларни бартараб этишда айни муддао.

Албатта, тизимда амалга оширилаётган ишлар талайгина. Бу чора-тадбирларнинг барчasi йўл ҳа-

ракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қатнашчилари учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилгани билан эътиборга молик. Нега деганда, улар йўлларда баҳтсиз ҳодисалар, жароҳатлар ва одамларнинг ҳаётини саклаб қолишга ёрдам беради.

Кўзланган мақсадларга эришиш учун эса ўзаро ҳамкорлик муҳим ва зарурдир. Чунки йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги вазиятни яхшилаш доимий ва кўп киррали жараён бўлиб, давлат органлари, жамоатчилик ҳамда бошқа манбаатдор томонларнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракатларини талаб қиласи.

Козимжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринbosari.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ” ТАМОЙИЛИ АМАЛДА

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати иштирокчиларини турли баҳтсиз ҳодисалардан асраш, уларнинг ўз манзилларига эсон-омон етиб боришиларни кафолатлаш нафақат мамлакатимизда, балки глобал миқёсда ҳам долзарб муаммолардан саналади. Шу боис, ушбу масалага жиддий ёндашилган ҳолда, мамлакатимизда бугунги кунда тизимли ишлар олиб бориляпти.

Халқ Конституцияси дея эътироф этилган янги таҳтиридаги Бош Конунимизда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойил қатъий белгиланган бежиз эмас. Чунки “ижтимоий давлат” негизида “Инсон қадрни улуғлаш” гояси ётади ва бу ҳар бир фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари, конуний манбаатларини кафолатлаш, сифатли таълим ва тиббий хизмат, болалар, хотин-қизлар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, муҳтоҷлар бандлиги, уй-жой билан таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитларини кафолатлаш дегандир.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда бу борадаги қонун хужжатлари, ижтимоий дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 бараварга ошиб, нафақа оловчи оилалар қамрови 5 барабарга кўпайди. Ҳар бир муҳтоҷ инсонга унинг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди ва бу йўналишда мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Жумладан, “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлар усуслари айнан шу мақсадлар учун жорий этилган бўлиб, хотин-қизлар, ёшлар, умуман, ижтимоий ёрдамга муҳтоҷлар муаммо ва камчиликлари манзилли ўрганилиб, ўз вақтида ва самарали ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Маълумки, кексалар ва муҳтоҷлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам, меҳр-муруват кўрсатиш халқимизнинг ўлмас қадрияти хисобланади ва бундай эзгу ҳаракатлар бугун янгича мазмун-маъно, амалий ҳаракатлар янада тақомиллаштирилмоқда. “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод қишлоқ” каби

дастурлар шу мақсадлар учун хизмат килаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Юкоридаги фикрлар исботини қўйидаги рақамларда кўриш мумкин: 2016 йилдан 2022 йилгача ижтимоий нафақаларга ажратилаётган маблағ 10 бараварга оширилиб, 11 трлн. сўмга етказилди. Натижада ижтимоий нафақа оловчи оилалар сони 2,1 млн.дан ошиб, мамлакатимиздаги жами оилаларнинг 23,3 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали бундай нафақаларни автоматик тарзда тайинлаш тизими йўлга кўйилди. Бу ўз навбатида, шаффоғлини таъминлаш имкониятини яратди. Шу йилнинг биринчи ярим йилида ушбу тизим орқали фуқароларга 278,4 млн. сўмлик “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети” тўлаб берилди. Шунингдек, бу тизими орқали хусусий секторда банд бўлган аёлларга хомиладорлик ва туғиши нафақаларини проактив шаклда тайинлаш ва тўлаш тартиби йўлга кўйилди.

Айниқса, ижтимоий давлатга мос бўлган таълим ва тиббиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш бўйича мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди, натижада мактабгача таълим қамрови 27,7 фоиздан 67 фоизга, ёшларни олий таълим билан қамров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга етказилди. Соғлиқни саклашга бюджетдан ажратилган маблағ 7,3 трлн. сўмдан 24,7 трлн. сўмга оширилди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-кувватлаш, уларнинг даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаб бориш мақсадида жорийи йилнинг 1 апрелдан бошлаб пенсия ва нафақа-

лар миқдори 7 фоизга оширилиб, 4,4 млн. нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта хисоб-китоб қилинди. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлаш мақсадида ногиронлик пенсия ва нафақаларнинг энг ками миқдори 747,0 минг сўмга етказилиб, бу 2017 йилдагига нисбатан 5,1 бараварга ўсади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга кўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) ларда эса “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиши амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳам қабул қилинди. Унинг фаолияти меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий таъминот билан қамраб олиш, ижтимоий суғурта тизимини босқич-ма-босқич жорий этиш, ижтимоий ёрдам дастурларини мустаҳкамлаш, хусусан, ижтимоий ёрдам тайинлаш мезонларини доимий равишида тақомиллаштириб боришдан иборатдир.

Бундай статистик рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, ижтимоий давлат барпо этишининг хуқуқий асоси яратилган Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалари қарийб уч бараварга ортди ва “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили амалда ўз исботини топмоқда.

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар кўмитаси аъзоси

ХАМКОРЛИК РИВОЖИДА ОАВ АЛОХИДА ЎРИН ТУТАДИ

(Боши 1-саҳифада)

«Гүштни, лағмон хамирини ушлашга ҳаракат қиласыпман».

«Ушлашга ҳаракат қилманг – ушланг!»

Шу гап менга далда бўлди ва мен овқатланиш учун чўпдан фойдаланишини ўрганиб олдим...

Тушликдан сўнг хонадон эгалари билан сұхбатлашдик. Улар ўзларининг шароитлари, рўзғор ва умуман турмуш тарзлари ҳақида сўзлаб беришиди. Ҳовлига чиқдик ва мен тўғриси ўзимни худди Тошкентдаги уйимдаги-дек ҳис қилдим. Сабаби, ҳовлига узум токи, райхон, помидор, қалампир ва гуллар тартиб билан экилган эди. Ва энг асосийси, мен уларга ўзбек тилида, улар эса менга уйғур тилида жавоб қайтаришарди. Биз дилдан сұхбатлашдик ва бир-бirimizni таржимонсиз тўлиқ тушундик...

Бирга ҳаракатланинг ва мақсадга эришинг!

Хитойга хизмат сафарига боргунга қадар рафтинг ҳақида интернет ва ТВ орқали хабардор эдим. Лекин ташрифимизнинг биринчи куниёқ ташкилотчилар бизни «рафтинг» саёҳатига таклиф қилишди ва биз ҳеч иккимон-май рози бўлдик.

Тушликлан сўнг бутун дунёдан келган ҳамкасларимиз билан биргалиқда «рафтинг» саёҳати бўладиган манзилга етиб келдик. Энг аввало бизни ҳавфисизлик қоидалари билан таништиришди. Ҳар биримиз сувга тушишдан аввал энгимизга кутқарув жилети, бошимизга маҳсус каска кийиб, қўлимизга эшқакни олдик.

Шундан сўнг ҳаво билан шиширилган доирасимон қайиқка, яъни рафтга икки нафардан бўлиб ўтиридик. Рафтга яхшилаб жойлашиб олганимиздан сўнг бизни тепаликларда жойлашган «Аэрокосмик» музейга ташриф буюрдик.

Энг аввало бизга музей тўғрисида, яратилиш тарихи, ундаги экспонатлар ҳақида маълумот беришди. ОАВ ходимлари томонидан берилган саволларга музей ходимлари батафсил жавоб қайтаришди.

Шундан сўнг биз музей бўйлаб саёҳат уюштиридик. Кўз ўнгимизда қоинотга парвоз қиладиган космик кемаларнинг кичрайтирилган макетлари, сунъий йўлдошлар, бошқа сайёрапларда ҳаракатланишга мўлжалланган аппаратлар, космик парвоз якунлангандан сўнг Ерга қайтиб тушиш учун мўлжалланган маҳсус капсулар, фазогирларнинг скафандерлари ва яна кўплаб бошқа қизиқарли нарсалар ҳақида билиб олдик.

Ҳар биримизнинг ёшлиқда орзулашимиз бўлади. Мен ҳам кичкиналигимда фазогир бўлгим келган. Балки бу Коинот тўғрисида кўрган киноларнинг таъсиридир, лекин мен ҳам фазогирларнинг скафандерларини кийиб, ракеталарда Коинотга парвоз қилиб, менга топширилган вазифаларни тўлиқ бажарганимдан сўнг Ерга қайтиб тушишни, шунда мени халқ олқишилар билан кутиб олишини орзу килгандим...

Айтишим мумкинки, Карамай шаҳридаги «Аэрокосмик» музейда бўлганимизда киноларда кўрган барча жиҳозларни ўз кўзим билан кўриб, қўлим билан ушлаб кўрдим. Хатто космик парвоз якунлангандан сўнг Ерга қайтиб тушиш учун мўлжаллан-

«Жинлар шахри» бўйлаб қизиқарли саёҳат бошланди...

Шинжон-Ўғур автоном райони (Шимолий-Ғарбий Хитой) Карамай шаҳар округидаги Урҳо туманида жойлашган «Жинлар шахри» типик ярдан ландшафти – шамол таъсирида бир неча ўн минг йиллар давомида шаклланган ўзига хос рельефdir, бунинг натижасида тошлар ва қоялар гайриоддий шакллар хосил қилган. Ёзги ёмғирдан кейинги ёруғлик ва соянинг ўйнаши «Жинлар шахри»ни янада сирли ва ўзига ром этади.

Август ойида «Жинлар шахри» – сайёхлик мавсумининг энг юкори чўққисига тўғри келади. «Жинлар шахри» Хитойнинг машҳур нефть шахри Карамайдан 106 км. шимолда жойлашган. Марказий манзарали худуднинг майдони таҳминан 26 кв. км. ни ташкил қилади.

Маҳаллий аҳоли бу жойни «Жинлар шахри» ёки «Иблислар шахри» деб атайди. Уларнинг айтишича, тунда «Жинлар шахри»да кўрқинчли овоз ва ҳайқириқларга ўхшаш товушларни эшитишингиз мумкин: бу қояларнинг юзлаб тешиклари орқали ўтадиган ёввойи шамолнинг ишидир. Шунинг учун ҳам бу ерга шундай ном берилган экан...

Орзум амалга ошиди!

Шинжон-Ўғур автоном вилояти Карамай шахри (Шимолий-ғарбий Хитой)га ташрифимиз доирасида «Хитой амалий санъати» музейига ташриф буюрдик.

Энг аввало бизга музей тўғрисида, яратилиш тарихи, ундаги экспонатлар ҳақида маълумот берилди. ОАВ ходимлари томонидан берилган саволларга музей ходимлари батафсил жавоб қайтаришди.

Шундан сўнг биз музей бўйлаб саёҳат уюштиридик. Кўз ўнгимизда қоинотга парвоз қиладиган космик кемаларнинг кичрайтирилган макетлари, сунъий йўлдошлар, бошқа сайёрапларда ҳаракатланишга мўлжалланган аппаратлар, космик парвоз якунлангандан сўнг Ерга қайтиб тушиш учун мўлжалланган маҳсус капсулар, фазогирларнинг скафандерлари ва яна кўплаб бошқа қизиқарли нарсалар ҳақида билиб олдик.

Ҳар биримизнинг ёшлиқда орзулашимиз бўлади. Мен ҳам кичкиналигимда фазогир бўлгим келган. Балки бу Коинот тўғрисида кўрган киноларнинг таъсиридир, лекин мен ҳам фазогирларнинг скафандерларини кийиб, ракеталарда Коинотга парвоз қилиб, менга топширилган вазифаларни тўлиқ бажарганимдан сўнг Ерга қайтиб тушишни, шунда мени халқ олқишилар билан кутиб олишини орзу килгандим...

Айтишим мумкинки, Карамай шаҳридаги «Аэрокосмик» музейда бўлганимизда киноларда кўрган барча жиҳозларни ўз кўзим билан кўриб, қўлим билан ушлаб кўрдим. Хатто космик парвоз якунлангандан сўнг Ерга қайтиб тушиш учун мўлжаллан-



ган маҳсус капсуланинг ичига кириб, буни суратга тушиб, муҳрлаб қўйишга ҳам муваффак бўлдим. Мен ўзимни Коинотнинг бир парчаси сифатида хис қилдим ва бемалол айтишим мумкинки, ёшлиқдаги орзуим амалга ошиди!

«Цзяньчжи» - анъанавий Хитой санъати

Шинжон-Ўғур автоном вилояти Карамай шахри (Шимолий-ғарбий Хитой)га ташрифимиз доирасида «Хитой амалий санъати» музейига ташриф буюрдик.

Энг аввало бизга музей тўғрисида, яратилиш тарихи маълумот берилди. Маҳоратли рассомлар томонидан чизилган суратлар ўзининг юксак маҳорати билан ташриф буюрвчиларни ўзига ром этарди. Суратларни томоша қиласа экансиз, беихтиёр Хитой давлатининг тарихига сайди килгандек бўласиз.

Ҳар бир даврни акс эттирувчи суратлар орқали мамлакатда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдик. Бундан ташқари маҳсус катта залда табият мавзусидаги суратлар ҳам бизда катта таассурат қолдирди...

Музей бўйлаб таништирув якунлангандан сўнг бизни катта бир хонага таклиф этишиди. Бу музейга ташриф буюрган меҳмонлар учун анъанавий Хитой санъати ҳисобланмиш «Цзяньчжи» ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий маълумот берадиган ўзига хос тажриба устахонаси экан. Биз учун барча зарур буюмлар билан маҳсус жиҳозланган столга ўтириб, ишга киришдик...

Шу кунгача «Цзяньчжи» санъатини интернет ва ТВ орқали кўргандим. Назаримда қайчи ёрдамида оддий қоғозга чизилган шаклларни қирқиб чикиш осондек туюлганди. Лекин амалда «Цзяньчжи» ҳам катта бир санъат экан.

Цзяньчжи – анъанавий Хитой санъати бўлиб, яхлит қоғоз бўллагидан турли хил шаклларни қайчи ёрдамида қирқиб, ясайсиз. Бунинг ўзига хослиги шундаки, иш жараёнда турли қисмлардан ва елимдан фойдаланиш мумкин экас.

Тарихга назар ташласак, қоғознинг ватани Хитой цивилизацияси ҳисобланади. Эрамизнинг 105 йилида Хитой императорининг маслаҳатчиси Цай Лунь қоғозсимон материалларни тайёрлаш услубларини умумлаштириб, такомиллаштириди.

Биз ҳам қўлимизга қайчи олиб, ран-

гли қоғоздан турли шаклларни ясаб, анъанавий Хитой санъати бўлмиш «Цзяньчжи» орқали мозайга сайди килдик...

Бизларга қараб миллатимизга баҳо беришади...

XXRнинг Урумчи шаҳрида бўлганимизда эътиборга молик бир воеа бўлди. Ўзбекистонлик журналистларни таржимон-гид олиб юради. Бир куни ҳаммамизга: «Икки соат бўш вактларинг бор. Хоҳласангиз меҳмонхонада дам олинг, истасангиз шаҳар айланингиз мумкин», – деди.

Кимдир меҳмонхонага, кимдир кийим-кечак, кимдир техника дўконига кетди. Мен шарқона услугуда курилган шаҳарнинг бош бозорига боришни ният қилдим. Узоқдан кўринадиган минораси эса Бухоро шаҳридаги Минораи Калонни эслатарди. Унинг ёнидан бир-икки маротаба автобусда ўтганимиз учун минорани яхши эслаб қолгандим. Гиднинг айтиши бўйича бозор меҳмонхонадан уччалик ҳам узоқ эмас экан. Лекин кайси томонга юриши билмай, дуч келган биринчи хитойликнинг олдига келиб, ёрдам сўрадим. У менга: «Кетдик», – деб ўзи билан олиб кетди.

Бир оз юргач, узоқдан минора кўрингандек бўлди. «Бозор шуми?» – деб сўрадим ва тасдиқ жавобини олганимдан кейин «Бўлди, бу ёғига ўзим кетавераман», – дедим. Лекин у рози бўлмади ва мен билан кетишда давом этарди. Шунда: «Демак, унинг ҳам шу ерда иши бор экан-да», – деган хаёлга бордим.

Бозор олдига етиб келгач, у менга «Сиз сўраётган шарқона бозор шу бўлади» деб орқасига кайрилиб, кета бошлади. Шунда мен: «Бу томонларда ишингиз йўқми?» деб сўрасам, у: «Йўқ, мен сизни бозоргача кузатиб кўйдим. Энди ортга қайтаман», – дея жавоб берди.

– Нега шу ергача келдингиз, вактингиз кетди-ку, бунинг устига ҳали минара узоқдан кўрингандада ҳам ортингизга қайрилиб кетишингиз мумкин эди-ку? – дедим.

– Биз унда қилмаймиз. Ахир сиз менинг юртимда меҳмонсиз. Хорижлик сайдиларга қараб миллатимизга баҳо беришади, – деди...

Менга хитойлик оддий бир инсоннинг бу жавоби таъсир қиласи. Аслини олганда у жуда тўғри гапирган эди...

**Бехзод ХОЖИМАТОВ,
журналист**

АНОР ҲОСИЛИ ФЕСТИВАЛИ

Маълумки, жаҳон туризм бозорида гастрономик йўналишнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, серқуёш диёримизнинг ширин-шакар мевалари, ўзига хос мазали таомлари сайёхларни юртимизга жалб қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу йил 4-ноябрь куни Хива шаҳрида, Иchan қалъа давлат музей-кўриқхонасининг Кўхна Арк мажмуаси олдидаги майдонда «Анор ҳосили» деб номланган фестивал бўлиб ўтди

Фестивални Иchan қалъа давлат музей-кўриқхонаси директори Шакир Мадаминов табрик сўзи билан очди.

Фестивал доирасида анор мевасининг туризм навлари бўйича кўргазма ташкил этилди. Маҳаллий ва хорижий сайёхлар бу ва бошка мевалардан тотиб, мамнун бўлишди.



Асли жizzахлик бўлган Эшмурод (исми ўзгартирилган) оиласи бўлиб, икки нафар фарзандларни отаси бўлсада, тайинли бир ишни бошини тутмади, ҳали у иш билан, кейинчалик бошқа ишлар билан шуғулланиб кўрди, лекин ўхшамади.

Тошкент шаҳрига ҳам келиб бозорларда ёлланма ишчи бўлиб ишлади, шунда таниш-билишларидан Россия Федерациясида ишборлигини, иш ҳаққи яхши эканлигини эшилди, аслида асдойдил меҳнат килса ёки ҳаракат килса Ўзбекистонда ҳам ўша пулни топиш мумкин, аммо Эшмурод Россияга бориб осонгина пул топишни ўйлар эди. Шу мақсадда у 2018 йил баҳор ойларида Россия Федерациясининг Москва шаҳрига ишлагани борди, у ерда пишириклар тайёрлаш цехига оддий ишчи бўлиб ишга жойлашди, Эшмурод мазкур цехда ҳам ишни қойиллатмади, дангасалик қилди, топган пули ҳам шунга яраша бўлди, натижада қўйналди, топган пули ўзидан ортмади.

Шунда иши юриб кетишига кўзи етмаган Эшмурод Ўзбекистонга қайтишга қарор қилади ва 2023 йил апрель ойининг бошида охирги пулуга “Москва-Тошкент” йўналишдаги рейсга авиачипта сотиб олади. 2023 йил 17 апрель куни “Ислом Каримов” номидаги Тошкент ҳалқаро аэропортига учуб келган Эшмурод аэропорт биносидан куп-куруқ чиқиб кетишни хоҳламайди, чунки у Россия давлатидан хеч қандай юксиз келган эди.



Шунингдек, фестивал доирасида миллий таомлар ва нон тайёрлаш бўйича маҳорат машғулотлари ҳамда миллий ҳунармандчиллик, буюмлари, миллий либослар, шунингдек, китоб кўргазмалари ташкил этилди

Фольклор жамоалари ижросидаги куй-қўшиқлар ва рақслар фестивалга алоҳида жўшқинлик, қадимий шаҳар меҳмонларига ўзгача завқ шавқ бағишилади.

Бу тарздаги тадбирлар туризм жозибадорлиги ва ривожида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**О.ИСМОИЛОВ,
журналист.
Музей-кўриқхона ахборот
хизмати.**



бошқаларда шубҳа уйғотмайди, шундан сўнг у ўйловчи такси автомашинасида Олмазор туманидаги танишини уйига боради. Эшмурод бу сумкани ўзича ҳеч кимга билинтирмасдан кўлга киритганлигидан хурсанд эди ва хазина топган кишидан сумкани очиб кўради, лекин сумкани ичida қимматбаҳо нарса ва буюмлар, хусусан телефон аппарати, тилда тақинчоклар ёки пуллар ўйқуши аэропортларида хавфисизликни таъминлаш бошқармасига ариза билан мурожаат қилади, мазкур бошқарма ходимлари томонидан амалга оширилган тадбирлар давомида мазкур ўғирликни ким содир этганлиги аниқланади. Ички ишлар ходимлари Эшмуродни излаб у ишлаётган “мойка”га боришади, у ердан уни сўрашади, кимлар уни сўрашашётганлиги билган Эшмуродни ранги окаради, дами ичига тушиб кетади.

Тергов ҳаракатлари давомида Эшмурод мазкур ўғирликни пулга эҳтиёжи бўлганлиги сабабли содир этганлигини, пулни ҳалол йўл билан ишлаб топиш мумкинлигини афсус, кеч тушуниб етади, сўрқ қилиш жараёнида бир неча маротаба уни кечиришларини, қилган ишидан минг пушаймон эканлигини таъкидлаган бўлсада, қонун олдида жавоб бершига мажбур...

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аэропортларда ёки темир йўл вокзалларида айниқса чет эл фукароларига нисбатан содир этилган ҳар қандай жиноят ёки хуқубузарликлар, авваламбор Ўзбекистонимиз обрўсига путур етказиши, айниқса туризм соҳасини ривожлаштиришга салбий таъсир этиши мумкинлиги барча фукароларимизга эслатиб ўтилади.

**Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИВ Транспорт ва туризм
объектларида хавфисизликни
таъминлаш департаменти Тергов
бошқармаси ўта муҳим ишлар
бўйича терговчи**



ЎГРИ “МОЙКАЧИ”...

тегишли бўлган бир дона ичida шахсий буюмлари бўлган сумкасини аэропорт ичидаги багажларни қабул қилиш лентасида кутиб туради. Ўшанда Эшмурод Россия Федерациясининг фукаросини бир муддат чалғиганлигидан фойдаланиб, унинг бир дона ранги тўқ қизил рангдаги сумкасини лентадан худдики ўзиникидан қилиб олиб аэропорт биносидан чиқиб кетади, албатта, аэропортдан чиқиши жараёнида барча йўловчилар юк билан келиши

лигини, фақатгина кийим-кечаклар, оёқ кийимлар борлигини кўради. Хафсаласи пир бўлган Эшмуродни боши қотти, нима қилиши билмай ўғирлаб олиб келган сумкани хонадоннинг бир бурчагига отиб юборди. “Энди нима қилиш керак”-деб, ўйлади у, “ишлаш керак, ҳалол пул топиш керак” – деб ичидаги пичирлади, лекин, қинғир ишни яъни ўғирлик қилиб кўйган эди. Шундан сўнг, Эшмурод қўлидан ҳеч бир иш келмаганлиги учун автомашиналарни ювиш шахобчаси “мойка”га ишга киради, автомашиналарни ювиш билан шуғулана бошлайди.

Шу орада Россия Федерацияси фукароси ўзининг сумкасини йўқолганилиги ҳолати бўйича Тошкент

Касб-ҳунар мактабларида

БУРЧ ВА АНЬАНАЛАРГА САДОҚАТ

Ҳозирги ёшларни мустақиллик ғояларига, бурч ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларнинг, таълим-тарбиявий жараёнларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу жиҳатдан олиб қараганда мустақил ҳаёт остонасида турган ўқувчи-ёшларнинг ташаббускорлигини, интеллектуал салоҳиятини ошириш учун энг аввало уларда Ватанга муҳаббат, юртпарварлик, шу азиз мамлакатнинг муносиб ёшлари бўлиб камол топишлари учун уларда масъуллик, дахлдорлик ҳисларини ҳар томонлама кучайтиришимиз зарур.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” шиори остида ўтказилган билимлар куни сабоқлари ўқувчи-ёшларда энг аввало бурч ва садоқатни, ватанга муҳаббат, ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдириб юборган бўлса, не ажаб! Янги ўқув йилининг бошиданоқ ўқувчиларимизда имкон қадар олийжаноб фазилатларни, ибратли ғояларни уйғотиш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимиз, маънавий тадбирларимиз ҳам айнан шу мақсадларга қаратилган.

Касб-ҳунар мактабида таҳсил олаётган ёшларга йўл-йўрик қўрсатиб, имкон қадар профилактик, ҳукуқий, маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиб бориши кўзда тутилган. Чунончи, Бекобод шаҳар ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш гурухи



вилоят ёшлар ишлари агентлиги раҳбари, шаҳар ҳокими, шаҳар прокурори иштирокида ўтказилган “Хоким ва ёшлар”, “Прокурор ва

вий мусобақа ўтказилди. Шунингдек, Беш ташабbus олимпиадаси доирасида мактабимизнинг барча ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган “Заковат” интеллектуал ўйинининг саралаш босқичи ҳам қизиқарли кечди, десам тўғрироқди.

Шу ўринда фаҳр билан айтишим мумкинки, мактабимиз ўқувчиси Шаҳбоз Кенжаев Тошкент шаҳрида яқиндагина бўлиб ўтган спортнинг

ПСИХОЛОГ МАСЛАҲАТИ:

“Болани ҳақорат қилманг”

Ўйингизни чангдан тозалагандек танангизни терҳидидан халос қилгандек тарбия “саҳнаси”ни ҳам “аҳмок”, “жинни”, “довдир”, “қилолмайсан”, “эплолмайсан”, “нотўғри”, “синдириб қўясан”, “калланг етмайди” каби ҳақоратлардан тозаланг. Бир ҳовуч ахлат уюмини болангиз онгига ишончизлик тарзида сингдиришни бас қилинг.

Боланинг килаётган иши нотўғри бўлса, нега нотўғрилигини тушунтиринг. Мумкин бўлмаса нега мумкин эмаслигини ўргатинг. Эплай олмаса, нега бу ёшида бу вазифани қилиши ноўрин эканлигини исботлаб беринг.

Ўсмирлик пайтида бола тез ўса бошлади. Ўғил болаларда овоз дўриллаши, қизларда эса аёллик алматлари, нағислик, жозибалилик кузатилади. Агар фарзандингиз ўртоқларидан ўсишда орқада колаётган, қизларда ҳам ўз тана тузилишини ёқтираслик хисси пайдо бўлса, “ноқобиллик комплекси” уни ўзига ишонмайдиган қилиб қўяди.

Ўсмир ўзига бўлган ишончизликни ота-онасига ҳар хил қимматбаҳо буюмларни сотиб олиб бериш талабини қўйиш билан яширади.

Севги бобида ўсмирлик ҳиссиятларга тўлиб-тошиб, ўзлари учун янгиликлар яратади. Шу жойда қадриятлар тизими – орят, шаън, уят, истиҳола, андиша. Ўзини хурмат қилиш ва хурмат талаб қилиш каби сифатлар шаклланади. Ўз нуктаи назарини, ҳаётдаги орияти талаб қилган ўрнини, яъни ўзлигини яратади.

Бу пайтга келиб, улар тақлид кила бошлади. Кимнидир севиши, қайсиидир актёрга ўхшашга ҳаракат қилиш, ёқтирган футболчисига ўхшаб соч олдириш каби ҳаракатлар қилганда. Бола нафақат ота-онага ўхшаш, балки ҳаётда ота-онага ўхшамаган инсонларга ҳам тақлид қилиш ёмон эмаслигини тушунади.

Фарзандлар ота-онасини “Нега сиз шу кишидек йўл тутмаяпсиз?”, “Нега бу қарордан кўркяпсиз?” деб айблайди. Қиз болалар ўзига хос соч турмаги қилишни истаётгани, замонавий либосларни кийишни хоҳлаётганини айта бошлади.

Зебинисо АҲМЕДОВА,
психолог, психотерапевт

— Мени кейинги йилларда бир нарса жуда таажжубга солади. Юқорида айтганимдек, жамоат ташкилотларида ҳамма ҳам ишлайвермайди. Айниқса, ташаббускор ташкилотларга жуда қийин. Сабаби, бу ерда ҳар ой барқарор ойлик маош йўқ. Бюджетдан маблағ олинмайди. Йўқ ердан, турли грант танловларини излаб топиш, эҳтиёжларни аниқлаш, бир неча кунлаб лойиҳа ёзиш, ҳимоя қилиш ва ютиб олиш, мақсадли ишлатиш ва ҳисоботларни ўз вақтида белгиланган тартибда топшириш, буларнинг ҳаммаси чуқур билимни, мустаҳкам асабни, сабр-бардошни талаб этади.

катта инспекторлари иштирокида ўтказилган профилактик тадбирлар ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, ёшлар орасида турли хил ёт ғояларга ёндашмаслик ҳақида бўлди. Албатта, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб бориши зарур деб хисоблайман.

Ёшларда ибратли анъаналарни шакллантириш учун шахримиз фахрийлари иштирокида “Уч авлод учрашуви” мавзусида давра сұхбатини ташкил этдик. Ўз касбнинг фидойилари бўлган фахрийлар иштирок этишиди ва ўзларининг ҳаёт тажрибаларини ёшларга сўзлаб беришди. Булардан ташқари ўқувчи-ёшларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш ва уларга муносиб ечим топиш мақсадида

ёшлар”, “Раис ва ёшлар” мавзусидаги учрашувлар ғоят самарали ва мароқли кечди. Айни дамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан “Инновацион лойиҳалар ва ишланмалар Янги Ўзбекистон тараққиётининг асоси” шиори остида “InnoWeek-2023” инновацион ғоялар хафталиги ўтказилди.

Шуни алоҳида тақидлаш лозимки, мактабимиз ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш мақсадида Беш ташабbus олимпиадаси доирасида ўқувчилар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинининг саралаш босқичи бўлиб ўтди. Бундан ташқари спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида анъана-

БАХТИЁР БЕКМУРОДОВ,
Бекобод шаҳар касб-ҳунар мактабининг ёшлар ишлари бўйича директор ўринбосари



ЗИЁРАТИНГИЗ ҚАБУЛ БЎЛСИН!

Эзгу лутф билан айтилган бу каломга “мурод ҳосил” деб жавоб қилишади

Инсон туғилгандан бўён ён-атрофга назар ташлаб умр кечиради. Аввал ўзи туғилган хонадон остонаси, кейинчалик маҳалласи, тумани, вилояти, қўшни давлатлар борлигини англаш етади. Бошқалар ҳаётини ўз турмуши билан таққослади, имкон борича яхши яшашга интилади.

Халқимизда “Ер сени босгунча сен ерни бос” деган нақл бор. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида яшаётган инсонлар умр бўйи сармоя тўплаб, ёши улғайганда ер юзидағи инсоният яратган мўжизавор жойларни кўришни ният қилишади. Шундай қадамжолар бизнинг юртимизда ҳам анчагина. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Кўқон, Термиз каби қадими шаҳарларда қад ростлаган масканларни кўриш, улардан завқ олиш учун дунёнинг олислис манзилларидан хорижий сайёхлар келишади. 2022 йилда Ўзбекистонга хориждан 5,2 миллион сайёх келибди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 3,4 миллион кўп демакдир. Юртимизга келган ҳар бир сайёх хазинамизга барака киритади.

Шундай бир пайтда Ўзбекистонимизда яшаётган айрим юртдошларимиз бизнинг фахримиз бўлган тарихий ёдгорликларни бориб кўришга ҳафса қилмайдилар. Ахир, аввало, биз ўз юртимизни, яъни ўзлигимизни билишимиз керак эмасми?! Ахир уммон ортидан йўл босиб келаётган сайёхлар шу жойларни кўриш иштиёқида вақт топишсаю биз бефарқлигимизча қолганимиз яхшимиз.

Билсангиз, Ўзбекистон заминидаги неча асрлардан бўён бус-бутун сақланиб келаётган ноёб ёдгорликларни бошқа эллардаги одамлар орзу қилишади. Дунёда биргина туризмдан келаётган даромадлар хисобига ҳалқ фаровонлигини яхшилаётган давлатлар қанчадан-қанча. “Биз туризм бўйича бошқа давлатларга тенглашолмаймиз” деган гапни айтган бир сухбатдошиминг фикрига сираям қўшилаолмайман. Нима, биз кимдан каммиз? Ота-оналаримиз меҳмон кутмаганми? Ўзимиз ўтирган жойни ёғ тушса, ялагудек килиб қўялмаймизми? Ахир бу оддий мусулмончилик маданиятимиз-ку.

Президентимиз йил бўйи белимизни букиб пахта етиштиришдан олган даромадимизни туризмни ташкил этишдан ҳосил бўладиган тушум билан таққослаб бердилар. Накадар ҳаётий ўхшатиш!

Аввало, дунёни лол қолдираётган ўз юртимиздаги ноёб обидаларни яхшилаб билиб олайлик. Бухорода автобусга ўтираётib “Мана шу йўл нима деб аталади?” деб сўраганимизда маҳаллий аҳоли вакилларидан бири: “Бу йўл учинчи пирга элтадиган йўл” деганда ич-ичимиздан қувондик. Демак, боболар қолдириган излар бугунга келиб ҳам унут бўлмабди. Ҳар тонг шу пирларнинг эзгу сўзларини дилга тугаётган юртдошларимиз қанчада!

Шу йил октябрь ойида Бутунжаҳон туризм

ташкилоти навбатдаги анжуманини бежиз Самарқандда ўтказган эмас. Бу тадбирда дунёнинг манаман деган туризм ташкилотлари мутасаддилари иштирок этишди. Улар нафақат Самарқандга, бутун Ўзбекистонга сайёҳ кўзи билан қарашди. Ўзга юртдан келганларнинг дилидаги ниятини топиш, маънавий эҳтиёжини қондириш, юртимизнинг дикқатга сазовор жойларини кўрсатиш учун нима керак бўлса, ҳаммасини қилишимиз керак. Киночилар киноси орқали, журналистлар жозибали мақоласи орқали Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилишимиз керак.



Бухоронинг етти пир зиёратида бўлганимизда ўзининг дурдона фикрлари билан из қолдириган буюк мутафаккирлар билан руҳан ҳамнафас бўлдик. Ўзи инсон бу дунёга келиб нимага эришиши керак, қандай зотни йиллар ўтгандан кейин ҳам эслаб юришади? Ўзгаларга қилинган яхшилик вақт ўтгандан кейин ҳам унут бўлмаслигини маҳаллий шароитда яшаган боболар ибрати сабоқ бўлиши турган гап. Шундай эзгу хисларга ошно бўлган инсон, ишонинг, ҳеч бўлмаса, ён қўшнисининг ҳожатини чиқаргиси келади, дилида ёт туйғу пайдо бўлмайди.

Бугун ҳам бус-бутун турган асрий обидалар деворига ишланган ранго-ранг кошинлар, нақшу нигорларнинг сир-асори ҳамон аён бўлган эмас, дейишади. Ахир бу мўжизанинг ўзи эмасми?! Бу жумбоклар бизга боболаримиз томонидан қолдирилган. Кимdir бу воқелик ёнидан бепарво ўтиб кетиши мумкин. Лекин синчков, зийрак фарзандларимиз шу сирларни очиш учун интилиши, изланиши керак. Бунинг учун шу Ватанин севиш зарур.

Баъзи юртдошларимиздан “Сиз яқин-атрофиниздаги тарихий ёдгорликларни кўрганмисиз?”, деб сўрасангиз “Вақт каерда?” деб туришади.

Ахир янги Ўзбекистон шароитида Янги йил, Наврӯз, Мустакиллик каби байрамларимизда 4-5 кунлик дам олиш кунлари бериляпти, сафарга чиқсангиз, йўлкираларга имтиёзлар жорий қилинганидан хабарингиз йўқми, дегингиз келади. Ахир куляйликларнинг ҳаммаси сиз ва биз учунку... Аслида бу осори атиқалар миллатимизнинг бойлигини, ҳазинасини акс эттиради. Уларни кўрган ҳар бир юртдошимиз қалбida бир олам турур уйғотади. Шунинг ўзи ҳар бир ватандошимиз учун катта муваффақият эмасми!?

Саёҳат қилишнинг яна бир йўналиши — экотуризм ҳам борки, бизнинг ватанимизда табиат тилсимларини ифода этувчи томошабог кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортади. Зомин, Шоҳимардон, Сангардак, Чорвоқ каби микроқлимли ҳудудлар ёзниг жазира мақоласи орқали жонларга ором бахш этади. Қишилари дорли йўлларда ажиб завқ ҳис қиласиз. Тоғ спорти, чўққиларни забт этиш экстремал туризм учун кенг майдон.

Табиатнинг сирли манзаралари инсон ҳайратини ўзига тортади. Бир жойда юқорига кетган дўнгликка машиналар пастга тушгандай сирғалса, яна бошқа жойда ғаройиб дараҳтлар қишида гуллаб турса, одамлар қизиқишини ўзига тортади.

Шу ўринда Хитойда бўлган бир гап ёдимга келди. Турли давлатлардан келган журналистлар анжуманида маърузачига савол беришга тўғри келди. Хитойлик олим саволга жавоб бермасдан олдин сўради: Сиз қаердан қелгансиз? Табиийки, “Ўзбекистондан” дея жавоб бердим. Маърузачи бир дақиқа сукут сақлади-да: “Ўтган йили мен Тошкентда бўлдим, бир ажойиб шаҳар, маза қилиб томоша қилдим” деди. У бу гапни ниҳоятда ёқимли оҳангда, Ўзбекистонга ажиб меҳр ва қоникиш билан гапирди. Шу лаҳзаларда йифинда қатнашетган бошқа давлатларнинг журналистлари менга ҳавас билан қарашганидан қувончга тўлдим. Ҳа, Марказий Осиёда энг гўзал шаҳар қайси деган интернетда сўровнома ўтказилганда сўралганларнинг ярмидан кўпи Тошкент номини айтишган эди. Шундай экан, Тошкентимизни кўришга дунёда кўп одамлар муштоқ экан, нега бундан фахрланмайлик.

Зиёрат ҳамиша пок кўнгил, очик чехра билан амалга оширилади. Инсон оламни билиш, ўзига нимадир олиш ниятида дунё кезади. Сафарга бориб келган одамларга “Зиёратингиз қабул бўлсин” дейишади. Бу лутфга “Мурод ҳосил” деб жавоб қилишади. Ҳамиша муродингиз ҳосил бўлсин, азиз юртдошлар.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.**



“УЧ-ТЎРТ СЎМ УЗАТМАДИНГИЗМИ?”

ўзида акага пластик карта ёзib бер!

– Хўп.

– Пластик карта ёздиришнинг ўзи бўлар экани, – деда мингиллади найнов раҳбар хузуридан чиққанимиздан кейин.– Ариза ёзишингиз, на вбатда туришингиз керак эди. Ана ундан кейин...

– Ие, – дедим анг-танг бўлиб. – Нега шу гапингизни бошлиқ олдиди айтмадингиз?

– Майли, юринг...

Йигитча пешонасини тириштирган куйи паспортимни сўраб олиб, қаршисидаги компьютерга нималарни диди. Кейин ҳеч сўзсиз компьютер экранига тикилганича ўтираверди. Бир соат ўтди, икки соат...

– Иш қийин кечяпти, чоғи? – дедим.

– Марказдан жавоб бўлмаяпти, – деди у. Шундай деб ташқари чиқди. Бирор соатдан кейин ўрнинга қайтиб яна компьютер қаршисига чўқди. Яна бир ярим-икки соат ўтди. Йигитча яна ташқари йўналди. Камина ҳам бироз ўтиб, зерикканидан ташқарилади Ҳаво яхши. Йигитчамиз йўлак четидаги чинор тагида бир кизча билан хиринглашиб турибди. У орадан анча ўтиб иш ўрнига

қайди...

Яна кутиш... кутиш...

Ва ниҳоят йигитча кечга томон қўлига битта пластик картани олган куйи сал нарида ўтирган ҳамкаси қошига борди. Менга юзланиб:

– Кодини неччи қўйиб берайлик? – деда сўради.

– Тўртта беш, – дедим.

– Мана пластикингиз, – деди йигитча силлиқ, ялтироқ бир парча қофозни қўлимга тутқазаркан.

– Бўлдими, ишлайверадими? – дедим енгил тортиб.

– Зўр ишлайди!

Шу куннинг ўзида янги пластикни телефонимда суратга тушуриб, тахририят электрон почтасига ташладим. Эртаси у ердан қўнғироқ бўлди:

– Ҳар қанча уринмайлик бўлмаяпти. Пластикингизда бирор ишқаллик борга ўхшайди...

Эртаси банкда эшикбонлик қиласидиган жиянимдан “текширириб кўрчи”, деб пластикинни бериб юбордим.

– Э, тоға, – деди у кечқурун ишдан қайтиб пластикинни бераркан. – Коди қўйилмаган экани, бунингизни?! Мана, код қўйдириб келдим...

– Чатоғ болайкан-ку, у найнов, – дедим ғашланниб.

– Қўлига уч-тўрт сўм тутганмидингиз?

– Йўқ.

– Э, содда тогам-а! – кулиб қўйди жияним...

ДЎХТИР ЭМАС, ҚАССОБ ЭКАН

Кузак келиб, бўғин оғриқларим кучайди. Боз устига қон босимим ҳам ошиб кетса дэнг. Чакирилган “Тез ёрдам” машинаси кўз очиб юмгулик фурсат ичидаги туман қасалхонасининг “Шошилинч ёрдам” бўлимига элтиб ташлади. Шифокорларга раҳмат! Устма-уст муолажалардан кейин учинчи кун дегандага сал ўзимга келгандек бўлдим. Зеҳн солсам, шифохонани жуда чиройли таъмирлашибди. Хоналар, йўлаклар ёф тушса ялагудек озода, тоза. Врач, ҳамширалар бири-биридан дилкаш, меҳрибон. Кундуз тугур тунда ҳам икки-уч бор ҳолингиздан хабар олишади. Кўлларини енгиллигини дессангиз... Яна қойил қолган жойим, дори-дармонларнинг деярли барчаси қасалхона ҳисобидан. Ётар жой ҳам, ҳатто уч маҳал беришадигани иссиқ овқат ҳам текин. “Аҳмоқ бўлиб, ҳар икки-уч ойда ўн кунлик муроалажа учун хусусий шифохонага уч-тўрт миллионни ташлаб чиқиб юрган эканман”, деб ўйладим, тиббиётда ислоҳотлар қилиб, беморлар учун шунчалик шароитларни яратиб қўйган яхши инсонларни дуо қилдим.

Кайфиятим хуш, кун сайн эмас, соат сайн тузалаётганимни ҳис этиб турардим.

Бешинчи куни...

Тунги навбатчиликка келган ёштина, чиройликкина кизча томчи уколни улайман, деб, томиримга тушолмай ўнг билагимни тўрт жой-



идан, яна сўл билагимнинг шунча жойидан тешиб ташлади. Кўлим жонивор ҳаш-паш дегунча лолазор тусини олди.

Ёшларни, боз устига шундай сувлув қиз дилини оғритиш яхши эмас. Жоним оғриса ҳам тишимга босиб ётавердим. Кизча қўлимни “шудгорлаш”да давом этарди. Охири бўлмади.

– Кўп қийналдингиз, қизим, – дедим. – Раҳмат...

Кизчанинг узр сўрашини кутган дим. Бундай бўлмади.

– Томирингиз нима бало бунақа? – деди чирсиљлаб.

– Шунақа, томирим чатоғроғ, – дедим.

– Ҳозир шеригимни чақираман, – деда чимирилганча ташқарига йўналди кизча.

Сал ўтиб хонага кирган оқ ҳалатли жувон ҳеч сўзсиз, томиримга осонгина туша қолди.

Енгил тортдим.

– Дўхтирининг ҳам дўхтири борда, – деган хирқироқ овоз қулогимга чалинди шу пайт.

Ўгирилсан ҳамхонам. Ҳалитдан бери кузатиб ётган экан.

– Бунақа жойларда ўз ишининг усталари ишлагани маъқул, – деди у.

– Иложи бўлса ҳамшираларни танлов асосида, чертиб-чертиб ишга олиш керак. Барака топкур анави аёлни кўринг-у, ҳалиги жиблажибонни кўринг. Отасининг пулига ўқиши амаллаб битирган. Бу ерга ҳам отасининг пули билан жойлашган...

– Ундеймасдир-ей?..

– Ишонаверинг, – деди ҳамхонам. – Келиним бу йил ТошМИНИ тамомлади. Олий маълумотли ҳамшира. Ишга кирмоқчи бўлиб келса, “қўки”дан сўрашибди. Топиб беролмадик...

Эртаси яна бир воқеа рўй берди.

Эрталаб тўққизлар чамаси эшиклиб, ортидан даволовчи врачимиз – ҳамиша офтобдек чараклаб турадиган аёл, яна бир талай оқ ҳалатли қизларни эргаштириб бир... бадқовоқ кириб келди. На салом бор, на алик. Боқувдаги буқанинг ўзгинаси. У тумшайганча ҳеч сўз-

сиз менинг тепамга келиб врач аёлга мол кўзларини тикиди. Врач ахборот бера бошлади:

– Беморимиз бу ерга тушганларига бугун олтинчи кун. Ревматоид артрит, яна қон босимлари ҳам бор... Керакли дори-дармонларни қиласидиз. Ўзгаришлар...

– Режа? – тўнғиллади ҳалиги кас.

– Эртадан интенсив терапия...

Врачнинг гапи бўғзида қолди.

– Уйга! – вишиллади бадковоқ.

Шеригимнинг қошида ҳам худди шу савол-жавоб айнан такрорланди. Кейин оқ ҳалатлилар қандай киришган бўлса худди шу куйи хонани тарк этишиди.

– Танийизми буни? – деди шеригим улар чиққач.

– Танимадим-у... Лекин... врачдан кўра қассобга... ва ёки... киноларда кўрганимиз концлагер назоратчисига ўхшаб кетаркан, – дедим.

– Топиб айтдингиз, – жилмайди ҳамхонам. – Чиндан ҳам қассоб бу! Не-не bemorlarни кон қақшатган чала хирург. Дипломни ҳам сотовлган бўлса керак баччагар. Нима жин уриб, бу лавозимни эгаллади... ҳайронман. Бош врач муовини ҳозир. Ҳар ҳафта профессорлар янглиғ ана шунақа “обход” ўтказади. “Ассаломалайкум... Яхши мисизлар? Тузукмисизлар?...” деган оддий инсоний калом бу кишиимга бегона. Зеҳнига ўтиришмаган, кўзига хунукроқ кўринган беморга “уйга!” деб мана шунақа хукм чиқариб юбораверади. Афтидан, жаноби олийларининг зеҳнига ўтиришмадик. Натижасини эртага кўрасиз...

Эртаси... ҳар иккимизга ҳам жавоб бўлди. Ҳалиги бадқовоқнинг исми-шарифи не, дейсизми? Келинг, шу тўнкани тилга олмай...

Ортиқали НОМОЗОВ

«ХЕЧ ЖОЙДА ИШЛАМАЙДИГАН» КИШЛОҚ АЁЛЛАРИ

тонг саҳардан то тунга қадар тиним билмай меҳнат қилишади

Жиззах вилоят «Қалб нури» аёллар ва уларнинг оиласарини ижтимоий-хукукий қўллаб-кувватлаш марказининг директори Нодира Алимова бир тадбирда менга грант ютганини айтиб қолди. Лойиҳанинг мақсади нима, деб сўрадим. Тошкент у ёқда турсин Жиззах шаҳрини кўрмаган опа-сингилларимизни шаҳар бўйлаб айлантириш, деди Нодира менга. Айтганча, Нодира Алимова Ўзбекистон Журналистларни қайта тайёрлаш маркази медиатренери ҳам.

Сезиб-билиб турганингиздек, Нодира билан сұхбатимиз аёллар ҳақида. 15 октябрь санасида қишлоқ аёллари бутун дунё бўйлаб эслана-диган кун. Биз ҳам шу фурсатдан фойдаланиб қишлоқ аёлларининг армонлари, орзулари, яшаш шароити, уларни қийнаётган муаммолар ҳақида айнан Нодира Алимова билан сұхбат қилишга қарор қилдик. Зеро, доимоа ёллар учун куйиб-пиншиб юрадиган марказ директори ва шу билан бирга, вақти келса оддий аёл Нодира Алимовачилик уларни хеч ким яхши билмайди.

– «Қалб нури» марказининг вазифаси нималардан иборат, деган саволимдан бошлаймиз сұхбатни...

– Вилоятдаги қийин ахволга учраган аёлларга, уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-хукукий хизмат кўрсатиш, оила институтларини қўллаб-кувватлаш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кучайтиришдан иборат.

– Йўналишлари-чи?

– Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва тиббий маданиятини ошириш. Аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, сиёсий фоллигини ошириш, гендер тенгсизлигига ва зўравонликка барҳам бериш, хар бир жабҳадаги муаммоларни мустақил ечимини топишида ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳукукий саводхонлигини, ҳукукий онгини ва ҳукукий маданиятини ошириш.

Аёлларнинг шахсий ва ижодий фаоллигини қўллаб-кувватлаш, оиласавий кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ва ўй меҳнатини ташкил қилиш. Маънавий қийин ахволга тушган аёллар ва уларнинг оиласарига психологик ёрдам кўрсатиш.

– ННТда иш бошлашингизга нима туртки бўлган? Иш фаолиятингиз давомида сизни энг таажжубга солган, ҳайратлантирган

воқеалар.

– Аёлларга ёрдам кўрсатадиган «Ҳамдард» ННТ Жиззахда илк бор 1990 йилларда ташкил топганди. «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Сайёра Ҳамдамова устозимнинг бир гапи сира қулоғимдан кетмайди: «Бундай марказларда ҳамма ҳам ишламайди, бунинг учун фидойи бўлиш керак!»

Ўша вақтларда мен Жиззах вилоят телерадиокомпаниясида журналист эдим. Ён-атрофимизда рўй бераётган хар қандай воқеа ва ҳодисалар, муаммолар табиийки биз ёш журналистларни бефарқ қолдирмасди. «Менинг фикрим» ном-

ёрдам сўради. Бу ҳолат ҳам кўрсатувларнинг навбатдагиси учун мавзуз бўлганди... Ўша даврларда зўравонлик ҳақида гапиришнинг ўзи анча муаммо эди. Кўп оворагарчиликлар бўлди, тушунтириш хатлари ёзилди, кимлардан кечиримлар сўралди. Буниси муҳим эмасди. Бу мавзунинг қанчалар долзарблиги муҳим эди. Бу мавзуни ёритар эканман, ўзим Жиззах тумани (ҳозирги Шароф Рашидов)даги қишлоқлардан бирида туғилиб ўсганим учун, оғир вазиятга тушган аёллар, айниқса, имкониятлар чегараланган қишлоқ жойларида, ишсиз аёллар қанчалар ёрдамга муҳтож бўлиши-

– Мени кейинги йилларда бир нарса жуда таажжубга солади. Юқорида айтганимдек, жамоат ташкилотларида ҳамма ҳам ишлайвермайди. Айниқса, ташаббускор ташкилотларга жуда қийин. Сабаби, бу ерда ҳар ой барқарор ойлик маош йўқ. Бюджетдан маблағ олинмайди. Йўқ ердан, турли грант танловларини излаб топиш, эҳтиёжларни аниқлаш, бир неча кунлаб лойиҳа ёзиш, ҳимоя қилиш ва ютиб олиш, мақсадли ишлатиш ва ҳисоботларни ўз вақтида белгиланган тартибда топшириш, буларнинг ҳаммаси чукур билимни, мустаҳкам асабни, сабр-бардошни талаб этади.


ли танқидий, таҳлилий муаллифлик кўрсатувим бор эди. Томошабинлардан жуда кўплаб хатлар олардик. Жиззах шаҳарининг маҳаллаларида яшовчи фуқародан хат келди. Унда бир хонали хонадонда яшовчи оила бошлиғи муккасидан кетар даражада ичкиликка ружу қўйгани, мардикорчиликдан топган пулини ичиб юришини, оила бекаси эса 3 нафар вояга етмаган қизларини турмуш ўртоғига ташлаб, ўзи бутунлай йўклиги ёзилганди. Ачинарлиси, қизларнинг энг каттаси 10-12 ёшлар атрофида бўй етиб келаётгани, энг кичиги эса эндигина 3 ёшлар атрофида эканлиги эди. Мен бу ҳолатга жим караб туролмасдим. Кўрсатув тайёрлаб, эфирга узатдим. Бу кўрсатувдан кейин мурожаатчилар ишхонага ҳам кела бошлашди. Бир гал турмуш ўртоғи томонидан доимий равишида тахқирлаб келинган, никоҳи бекор бўлмаса-да, бошка аёлга шаърий никоҳ билан уйланиб, уйига олиб келган, вояга етмаган 3 нафар фарзанди билан кўчага кувиб юборилган аёл йиглаб келди. Аёл ота-онаси ўтиб кетганлигини, укаси ўз кунини зўрға кўришини, борадиган жойи йўқлигини айтиб

ни тобора чукурроқ ҳис қила бошладим...

2007 йилда «Қалб нури» ННТ рўйхатдан ўтди ва мана 15 йилдирки 20 га яқин турли ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, марказнинг «qalbnuri.uz» веб-сайти ҳамда «226-52-62» рақамили «Ишонч телефони» ишга туширилган.

– Халқаро ташкилотлар грантлари бўйича фаолиятларинизга ҳам тўхтальсангиз.

– Марказ томонидан 2011-2012 йилларда Жаҳон банкининг тараққиёт дастури 7 минг АҚШ доллари миқдоридаги гранти асосида «Қишлоқ аёлларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўргатиш» лойиҳаси амалга оширилган. Лойиҳа доирасида вилоятнинг чегара худудлари – Бахмал, Зомин, Фориш, Мирзачўл ва



Янгиобод туманларида 1000 дан зиёд аёлларга тадбиркорлик асослари, кредит олиш тартиблари ва бизнес-режа тузиш бўйича иқтисодий ва тадбиркорлик соҳасида мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилган.

2019-2020 йилларда Марказий Осиёда Евросиё фондидан Ҳамоат фондининг 4 минг евро миқдоридаги гранти бўйича Жиззах шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабида «Кам таъминланган оила фарзандларига бепул IT курслари ва хорижий тилларни ўргатишни ташкил этиш» лойиҳаси амалга оширилган. Унда Жиззах шаҳрининг «Иттифок», «Дўстлик» ва «Ёшлик» маҳаллалари худудидаги кам таъминланган оиласарининг юқори синфларда ўқидиган 60 нафар фарзандларини ахборот технологиялари ва хорижий тил курсларида бепул билим олишлари таъминланди.

Бундай лойиҳалар жуда кўп.

– **Бу каби марказлар хар бир вилоятда бор. Ва уларнинг ўзига яраша муаммоси бор. Айтинг-чи марказ маблағ масалани қандай ҳал қиласди?**

– Мени кейинги йилларда бир нарса жуда таажжубга солади. Юқорида айтганимдек, жамоат ташкилотларида ҳамма ҳам ишлай-

(Давоми 7-саҳифада)



(Боши 6-саҳифада)

вермайди. Айниқса, ташаббускор ташкилотларга жуда кийин. Сабаби, бу ерда ҳар ой барқарор ойлик маош йўқ. Бюджетдан маблағ олинмайди. Йўқ ердан, турли грант танловларини излаб топиш, эҳтиёжларни аниқлаш, бир неча кунлаб лойиха ёзиш, химоя қилиш ва ютиб олиш, мақсадли ишлатиш ва хисоботларни ўз вактида белгиланган тартибда топшириш, буларнинг ҳаммаси чуқур билимни, мустаҳкам асабни, сабр-бардошни талаబ этади. Энг ёмони, ижтимоий муаммоларни бартараф этишга чоғланасан ва ўша йўналишда фаолият кўрсатаётган тегишли давлат ташкилотига борсанг, ННТ нима эканлигини тушунмаган, салоҳиятсиз раҳбар кадрлар соатлаб қабулида куттиради. Қабулига кирсанг, худди нонини яримта қилиб қўядигандек, сен билан ҳамкорлик қилишини пайсаллади. Куруқ ваъдалар бериб, бир неча кунлар овораю сарсон қилиши мени қаттиқ ранжитиди ва ҳайратга солади. Кўп йиллар давлат ташкилотларида ишлаганинг ва бугун жамоат ташкилотида фаолият юритаётганим сабабли нега ижтимоий муаммолар тез ҳал бўлмаётганинг сабабини шулардан кўраман.

— Қишлоқ аёлларининг муаммолари жуда кўп ва у тугамайдигандек...

— Бир йили ташкилотимиз томонидан белгиланган сўровнома асосида вилоятимизнинг Бахмал ва Мирзачўл туманларида яшовчи, ижтимоий ахволи турлича бўлган хотин-қизларнинг эҳтиёжларини ўргандик. Тадбирда Мирзачўлдан ҳаётда ўз ўрнига эга, мутахассис, депутат аёллардан ташқари, ишсиз, меҳнат мигранти, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ҳам таклиф этилган эди. Шулар орасида қатнашаётган бир аёл ҳаяжонлана бошлади. У ўз ҳаяжонини яширомади ва умри давомида илк бор чиройли хонада, юқори мавқе-га эга бўлганлар билан бир даврада, ҳурмат ва иззат кўрсатилган ҳолда ўтирганини айтди. Ўзини илк бор аёл, инсон эканлигини ҳис қылганини билдириди. Буни эшитиш ҳам ҳайрат, ҳам даҳшат эди аслида. Биз жамоат ташкилотлари вакиллари энг қўйига, чекка қишлоқларга кўпроқ чиқишимиз, аёлларни кўллаб-куватлашга қаратилган лойиҳаларни кўпроқ амалга оширишимиз лозимлиги яққол намоён бўлди.

Бахмал туманида эса бир қишлоқ аёлни Тошкент, Самарқанд каби катта шаҳарлар тугул Жиззах шаҳри марказини ҳам ҳали кўрмаганлигини айтганида бу борадаги ишларимиз етарли эмаслигини билдим ва яқинда атайлаб шундай аёлларимиз учун ёзган лойиҳам грант танловида ютиб чиқди!

— Қишлоқ аёлларининг орзулари ҳам ўзлари каби сода ва беғубор. Улар ҳам ўқиб, ўрганишни хоҳлади. Бироқ, уйи, рўзгоридан ортолмайди.

— Тўғри, кейинги пайтларда давлат ва надавлат ташкилотлари томонидан турли касб-хунарга ўргатувчи ўкув курслари ташкил қилинмоқда. Аммо, аёлларнинг ўша курсларга рўзгоридан ортириб, йўл кира сарфлаб келомаслиги кўпинча эътибордан колиб кетади. Ёки кўпчилек хотин-қизларга турли тикиш ва бошқа жиҳозлар берилмоқда, аммо касбий малака берилмасдан, яъни «балиқ тутишни ўргатувчи» маҳсус ўқувларсиз берилган жиҳозлар, афсуски, ишлатилмасдан қолмоқда. Мен қишлоқ аёлларига индивидуал ёндашув, ҳар бирини қизишига қараб ўқитиш ва иқтисодий имкониятини кенгайтириши учун молиялаштириш зарурлигини айтган бўлардим.

Қишлоқ келинлари, умуман, қишлоқ аёлларининг сабру матонатига таъзим қилиш керак. Улар ҳам ҳамма шароитлари бор, иссиқ, ёруғ уйларда яшашни хоҳлади. Мехнатни осонлаштирувчи кир ювиш, уй тозалаш техникаридан фойдаланишга ҳаққи бор. Ҳаммоми бўлса, иссиқ ва совуқ сув доим келиб турса, қанийди. Қишлоқ аёллари билан гаплашгандা, айримлари электр энергияси бир кунда факат кечки пайтдагина берилишини, ўшанда ҳам қуввати пастлигидан телевизор яхши кўрсатмаслигини, бу пайтда факат мобиль телефонларини тезда қувватлантириб олишларини айтиб қолишиди. Кунлари сув ташиш, қўлда кир ювиш, ўчокка ўт қалаб овқат пишириш билан ўтиб кетаётган аёллар канча?! Умр эса жуда қисқа, айримлар таъбири билан айтганда «Ҳеч жойда ишламайдиган» қишлоқ аёллари тонг сахардан то тунга қадар тиним билмай меҳнат қилишиди. Бир томондан уларнинг меҳнати оғир бўлса, иккинчи томондан глобал иқлим ўзгариши кузатилаётган шу кунларимиздаги экологик вазият, атроф-муҳитдаги чанг

ва тўзонлар, сувсизлик қишлоқ аёлларининг саломатлигига, ҳаёт сифатини ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилиш вақти аллақачон етган. Энг чекка қишлоқларга ҳам кичик ховли ва 2 қаватли ихчам ва шинам уйлар қуриш, куёш панелларини ўрнатиш, иссиқхона ва бошқа уй шароитида тадбиркорлик қилишлари учун имтиёзли кредитлар бериш керак. Булар қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қиласди.

— Интернет ривожланган замонда аёлларнинг медиасаводхонлиги боррасида ҳам нималардир қилаяпсизларми?

— Марказимизга турли киберхужумга учраган, интернетдаги фирибгарларга алданган, билиб-бilmай турли оғир вазиятларга тушиб қолаётган хотин-қизлар ҳам ёрдам сўраб мурожаат этиб туришади. Шуни инобатга олиб 2022 йилда Жиззах вилоят ИИБ ва вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда бир ижтимоий лойиҳа, яъни вилоятнинг 5 та чегара тумани хотин-қизлари ўртасида «Медиасаводхонлик ҳаммага керак» лойиҳасини бажардик. Бу жуда долзарб масала. Чунки бугун аёлларимиздан медиасаводхон бўлиши талаб этилади. Уларга бу борадаги билимларини ошириш мақсадида телевидение учун маҳсус кўрсатув ва алданиб қолмаслик бўйича видеороликлар тайёрлаб, ТВ ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилишини таъминладик. Бу каби кичик бўлсаем, ишларимиз қайсиdir оилани парокандаликдан, аёлларимизни оғир вазиятлардан асраб қолса биз ўз мақсадимизга эришган бўламиш.

— 50 млн. сўмлик грантни ютдиарингиз ва бу лойиҳадан кўзланган мақсад.

— Яқинда «Жиззах бўйлаб саёҳат кил!» Дастурини амалга ошириш» йўналишида эълон қилган грант танловида «Саёҳат қилинг, ҳаётнинг ҳарлаҳасидан баҳра олинг!» номли лойиҳамиз билан иштирок этдик ва 50 млн. сўмлик грантга сазовор бўлдик.

Лойиҳамиздан кўзланган мақсад кўп болали, ишсиз ёки оғир вазиятга тушган хотин-қизларнинг Жиззах бўйлаб саёҳатини ташкил қилиш, театрда кўнгилочар томоша уюштириш орқали кайфиятни кўтаришдан иборатдир. Юқорида таъкидлаганимдек, вилоятимизнинг ҳар бир туманидан ҳали шаҳарни кўрмаган қишлоқ аёллари Жиззахнинг дикқатга сазовор жойларига олиб келинади. Бу шунчаки саёҳат бўлмайди. Мақсадли гурухимиз чиройли тарзда тантанали равища, худди юқори нуфузли меҳмонлардек кутиб олинади, музейларга ташрифи уюштирилади. Аёл ҳақида уларга мотивация берадиган, кўнгилни кўтарувчи спектаклни томоша қишлоқларига эътиборни қаратамиз. Эҳтимол, бу бир кунлик лойиҳа ўз уйи, қишлоғидан чиқмаган айрим аёллар учун ҳаётини ўзгартришига, ўз баҳосини англашга ва ўзига бўлган ишончни оширишга хизмат қилар?! Аслида ҳам асл мақсадимиз шу!

Барно СУЛТОНОВА
сұхбатлаши.

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллый ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бошмуҳаррир
Мақсад ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма раками Г-1110
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
хажми З босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигига
2006 йил 0010-ракам билан
рўйхатта олинган.

ISSN 2010-7722
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6





АМИР ТЕМУР ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Улкан тарихи бор юртнинг келажаги хам улкан ва буюк бўлиши шубҳасиз. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Менинг назаримда, Янгиланаётган Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини яратишда улуғ боболаримизнинг илмий салоҳиятини бугунги кунимизга тадбиқ этадиган давр келди. Амир Темур бобомизнинг илмий-маърифий қарашларини бугунги ёш авлодга чукурроқ сингдира олсақ, Сохибқироннинг беназир ўтиларидан унумли фойдалансак, замондошларимиз руҳий оламида Ватанини севиш, миллий гурунни тарбиялаш натижасида, ватанпарварлик туйғулари янада жўш уриши табиий. Зоро, келажаги буюк мамлакатнинг илк пойдеворини куриш ана ўша Иккинчи Ренессанс даврида бошланган бўлса, не ажаб.

Хозир қайсиadir туман ва шаҳарга қадам ранжида қилманг, уларнинг худудига кираверишда ажойиб ва гўзал ёзувга кўзингиз тушади. Ростдан хам, Ватанини севиш, юртга муҳаббат туйғулари айнан остононадан бошланади, дейишганлари бежиз эмас. Мана, биргина мисол. Тошкент вилояти бўйлаб юрар экансан, худудларда “Менинг Оҳангароним”, “Менинг Чинозим”, “Менинг Бекободим” деган тўзул лавхаларни кўриб, чиндан-да, ич-ичингдан кувониб кетасан киши. Ватан энг кичик гўшадан, ўзинг туғилиб ўтсан қадрдан ерингдан, сенинг остононгдан бошлананаётган лигига шуқроналар келтирасан. Беихтиёр устоз Мухаммад Алининг “Қизил гул” номли шеъридаги сатрлар эсингга тушади:

Ватан! Пок дилларинг бўстонларида,

Бир алвон чечаксан, битта Қизил гул!

Ха, Ватан инсон қалbidagi Қизил гул! Ватан - қалбда яшайди! Ватан ишқи, тенгсиз сурури, кучли юртпарварлик туйғуси ана шу гулга хамиша ранг бериб туради... Шу Ватан учун, шу юрт учун масъуллик, даҳлдорлик хисси янада ортади, ортаверади.

Бу юртимизда эгалик хисси, ўзи туғилиб ўтсан маконга муҳаббат туйғулари ҳар бир туман пучмоғига кириб бораётганини кўрсатади. Шу пайт фавқулодда шоирона хаёлингда қачонлардир, сал кам еттиз юз ийллар аввал буюк ватанпарвар Сохибқирон Амир Темур мўғуллар зулмидан пароқанда бўлиб ётган жабрдийда она юртни бирлаштириб, буюк давлатимиизга асос солиб, уни дунёга кўз-кўз килганлари жонланади. Савол туғилади: Улуғ бобомиз Буюк юртни ўзлари учун бунёд этганимидар? Албатта, келажакни ўйлаб, биз авлодларининг фамилии еб, “Тузуклар” да “Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузур-халоватидан воз кечдим” деб ёзганларидек, она Турон юртига жонларини фидо килар даражада жавлон уриб яшадилар ва улкан давлат барпо қилдилар. Бу буюк ибратдир, унинг баҳоси ийллар ўтган сайн ошиб бораверади. Ҳа, Амир Темур бобомизнинг суронли хәёти пурхикмат тажрибалари биз авлодлар учун бамисоли дастурли амал бўлиб қолаверади.

Неофоги қувончлики, янгиланаётган Ўзбекистонимизда янгича қарашлар, янгича муносабатлар карор топиб бормоқда. Бу эса ҳалқимизнинг маънавий салоҳияти тобора юксалаётганини кўрсатади. Инсоннинг маънавий оламида энг аввало Ватан деган тушунча энг юкори макомда турмоги керак. Ватанпарвар, юртпарвар кишида хамиша комилликка, эзгу ишларга интилиш кучли ва шиддатли бўлади. Бугун ўттиз ёшли навқирон йигит ҳар томонлама камол топган, ўз мамлакатининг бугуни ва келажаги учун жонини фидо кишишга шай бўлиб турган шижаот соҳибидир. Буюк бобомиз Амир Темур “Ишибилармон, мардлик ва шижаот соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, локайди кишилардан яхшидир” ёхуд “Шижаотли кишиларни дўст тут, чунки Тантри таоло жасур кишиларни ардоклайди” деганларида накадар ҳак эдилар. Мұхтарам Президентимизнинг “Буюк келажакимизни мард ва олийжабод кишилар билан бирга қурамиз” деган даъватлари эса Амир Темур ўтиларига ҳамоҳанг бўлиб жаранглаб туриди.

Сир эмаски, мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз ташабbusi билан маънавий –маърифий ишларга алоҳида эътибор қартилаётганилиги айни ҳақиқат. Амир Темур бобомиз ҳам азми қатъий дегандан, шубҳасиз, маънавияти юқсак инсонларни назарда тутган. Президентимизнинг маъруз-залиридан биламизки, мамлакатимизнинг буюк келажакини илми юқсак, маънавияти юкори бўлган инсонларгина кура олади.

Учинчи Ренессансга қадам кўяр эканмиз, мамлакатимизда маънавият ва маърифат кўш қанот бўлиб туриди. Илм–маърифат, китобхонлик юқсак маънавият даражасига кўтарилиди, десак тўғри бўлади. Айнан Юртбошимиз ташабbusi билан китобга, китобхонлик маданиятини янада ривожлантиришга қилинаётган эътибор ёшларга куч ва шижаот бағишиламоқда. Ўзингиз бир ўйланг. Қайси мамлакатда кўп китоб ўқиганга, китобхон авлодга автомобил совға килинган? Бу факат бизнинг диёrimизда ўйлга кўйилган ўзига хос, балки, дунёда ягона маънавий ташабbusidir. Бундай ташабbuslар ўсиб келаётган ёш авлоднинг эргани ёруғ келажаги ва комил инсонлар бўлиб камол топишини ўйлаб килинаёттир. Тилларда достонга айлананаётган Беш ташабbus гоялари тобора янгича мазмун-моҳиятга эга бўлиб боряпти.

Аждодларимиз тарихидан бизга яхши маълумки, юртимизда азал-азалдан яхшилик ва эзгулик ўйлида хамиша хай-

миздаги маънавий-маърифий ишларга жуда мосдек, узокни кўриб фикр килгандек туюлади. Бобомиз уқтирганидек, айнан хозир тўғри сўзли, тўғри қаламли кишилар жуда-жуда зарур.

Мамлакатимизда кечётган бугунги ўзгаришлар, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлардан кутилган асосий мақсад ҳам инсон омилига, инсоннинг баҳтили-саодатли ва айни пайтда бугунги кунидан рози бўлиб яшашига қаратилган. Барча жабҳаларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Эндиликда шубҳа-гумонларга асло ўрин қолмаяти. Агарда шубҳа гумонингзиз бўлса, келинг, марҳамат, биз курдирган биноларга бокинг, деб айтадиган замон келди.

*Тасанно айтгайман миллатимизга,
Шак-шубҳа қолмади қудратимизга -*

дэя юрак-юракдан ҳайқирмоқ истайсан киши. Бу ҳайқирқлар миллатнинг дарди, орзу-истаклари, қувончу ташвишлари билан уйғулнабиш кетгандек гўё. Биз кураётган иморатлар жуда бакувват, кўзни кувнатадиган даражада ҳашаматли. Аммо кўнгил иморати-чи? Энг аввало кўнгилга курилган қаср, кўнгил иморати ўта мустаҳкам, пишик бўлмоги керак. Демакки, маънан етук, маънан баркамол инсонни жамиятнинг ҳақиқи бунёдкорига айланади.

Маънавиятимиз ва унинг ривожи учун кетаётган қизгин курашлар асносида, менинг фикримча, Халқаро Амир Темур жамоат фонди зиммасига ҳам куттуғ вазифалар юкланиди. Маълумки, фонд фаолиятида трансформация ишлари амалга оширилди. Навбатда Фондинг янги концепциясини ишлаб чиқиши лозим. Унда, тарихимизнинг олтин даври бўлган Амир Темур даври ва тарихини теран ўрганиш, тарихимизнинг буюк Сохибқирони Амир Темур ҳаёти ва шахсини, бу улкан умр моҳиятни тўла, чукур англаб этиши ўйлида дастур тайёрлаш лозим. Асосий мақсад бу улуғ тарихни бутун кўрку салобати, мазмун-моҳияти билан даставвал эртанди умидимиз бўлган ёшларимиз, бағри кенг ҳалқимиз юрагига жойлашдан иборатдир. Ҳозирда Амир Темур бобомизнинг маънавий-маърифий қарашларини янада кенгроқ, батағиси ўрганиб бориши учун мактабларда, ўкув юртларида “Сохибқирон сабоқлари”, “Амир Темур ва Янги Ўзбекистон” дарсларини ташкил этиши, бу ишларни мукаммал тарзда ўкув режаси ва дастурларига киритилса, айни мудда бўлур эди. Албатта, бу масалани тегишили мутасадди ташкилотлар бир ўйлаб кўришлари керак. Шунингдек, ҳалқимизнинг олтин тарихи ҳақиқати ҳақиқатни кенг ёйиш ниятида, мамлакатимиз шахарларида, кишлек ва маҳаллаларда, олий ўкув юртларида, мактаб ва лицейларда тизимили равишида Сохибқирон ҳаётига, даври ва тарихига бағишилган турли конференциялар, анжуманлар ўқазиши, кизиқарли сухбатлар, мулоқотлар, учрашувлар уюштириш, уларга таникли адіблар, темуршунос олимларни жалб этмоқ мақсадга мувофиқидир.

Айтиш жоизки, Амир Темурнинг ғоявий йўналишлари, Темур тузуклари, ўтиг ва насиҳатлари Янги Ўзбекистонни барпо этиши ўйлидаги ғоявий йўналишларга жуда-жуда ҳамоҳангдир. Ахир оққан дарёдан сув оқиб келмоқда... Қайси бир соҳани олмайлик, барча жабҳаларда Сохибқирон сабоқлари айнан дастурламалдек туюлади. Гўёки, Улуғ бобомиз зиёли ва уламоларимизга илму адаб йўналишидаги ўтиларни, тадбиркору хунармандларга азму шижаот ва қатъийлик борасидаги пурмалю насиҳатларни, ватан ўғлонларига ҳарбий интизом, мардлик ва жасорат, фидойи-лиқка ундовчи ғояларни худи бутун бизга ёнимизда туриб айтиётгандек туюлади. Бу эса ҳар биримизни ҳар дакика хуշёрикка, сергакликка чорлайверади.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг ўзига хос, ҳеч кимнига ўхшамайдиган модели бугун оламни маҳлис айланмоқда. Дунё бизга тан бермоқда. Аждодларимизга, улуғ боболаримизга муносиб ворис бўлиш учун интилаётган бугунги ёшларимизнинг кўзларида олов чакнаб турибди. Юраклардаги ўти нидолар, чексиз хайратлар, Яратиш ишқи жўш ураётгандек туюлади.

Сўзни мухтасар қисқас, мамлакатимизнинг буюк келажагини Амир Темур бобомиз айтганларидек, азми қатъийлар, шижаот соҳиблари, мухтасар Президентимиз таъкидлаганидек, мард ва олийжабод инсонларгина кура олади. Биз барчамиз эса ана шу даъватларга муносиб бўлишгина интилайлик.

Улуғ бобомизнинг орзу-истаклари бугун рўёбга чикмокда. Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфаси буюк аждодларимиз ният килганидек ўзига хос ва мос тарзда яралмоқда. Сохибқирон бобомиз эса олти аср наридан бугунги юксалишларга мамнун тикилиб туриди.

АШУРАЛИ БОЙМУРОД
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси аъзоси, шоир ва публицист